"ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ-МАНИМ" ҚЎШИҒИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигига атаб шоир Абдулла Орипов ва бастакор Анор Назаров шу номли қўшиқни яратишди. Бу асар илк бор байрам куни Мустақиллик майдонида ижро этилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қодир Мўминов ва Шокир Аҳмедов ушбу қўшиққа бағишланган катта рақс сюитасини сахналаштирмоқда. Саҳнага 500 раққоса чиқади. Ижрочилар орасида республикадаги барча дасталар ва театрларнинг вакиллари бор.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ИШ ЎРГАНИБ КЕЛИШДИ

Сирдарё вилояти хусусий деҳқон фермер хўжаликлари франциялик ҳамкасблари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамламоқдалар. Илгари франциялик фермерлар, шу соҳанинг таниқли мутахассислари вилоятга ташриф буюриб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашган эдилар. Яқинда бир гуруҳ сирдарёлик фермерлар 15 кун давомида франциялик шериклари ҳузурида бўлишиб, иш ўрганиб қайтдилар. Улар орасида вилоятнинг таниқли фермерларидан Ф. Усмонова, Х. Халилов, Т. Қорабоев ва бошқалар бор.

Абдужалил УМАРОВ.

РОССИЯ – ДАСТЛАБКИ ХАРИДОР

Пешкулик тадбиркор Саъдулла Муродов бошчилик қилаётган "Нишона" хусусий корхонасида савобли иш қилинди. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш цехи фойдаланишга топширилди. 40 киши иш билан таъминланди. Айни пишиқчилик дамларида етилган мева-чеваларни қуритиб, четга чиқаришга ҳаракат қилиняпти. Дастлабки маҳсулотга биринчи бўлиб россияликлар харидор бўлишди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ПОПОПЧИ-ЮЗ ЗАРДЎЗЛАР МАСКАНИ

Марғилонда миллий ҳунармандчилик лицейи бор. Бу ерда таълим олаётган 650 нафар йигит-қиз аждодларимиздан мерос — атлас тўқиш, попоптиқиш, каштачилик, дўппидўзлик, жияк чилик, каштачилик, зардўзлик каби 10 дан ортиқ миллий ҳунармандчилик спр-асрорларини ўрганишмоқда. Улар тайёрлаган турли буюм ва маҳсулотлар пойтахтда бўлиб ўтган талабалар кўргазмасида юқори баҳо олди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 24 июль, пайшанба № 86 (22.170).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ 1994 йил 25 июль — ***Германия Федератив Республикаси Президенти Роман Герцог Президентимиз Ислом Каримовга мактуб йўллаб, эзгу истаклар изҳор этди.***

✓ 1996 йил 25 июль — ***Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон халқи сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни теран идрок этиб, ўзга мамлакатлар ўнлаб йиллар давомида эришган натижаларни қисқа даврда қўлга киритиётганлиги алоҳида таъкидланди.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ СОҲАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Почта алоқасини, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш ва шу соҳага хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида:

1. Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тугатилсин ҳамда унинг негизида Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил қилинсин.

2. Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

Маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқасини, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини вужудга келтириш, уларнинг фаолияти ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

почта алоқаси ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни йўналтириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва мониторингни ташкил қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, бу соҳада рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш;

телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хорижий сармояларни жалб этиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш;

телекоммуникация технологияларини яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш бўйича ягона шартлар ҳамда талабларни тасдиқлаш, шунингдек мазкур шартлар ва талабларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, миллий телекоммуникация тармоғи фаолиятининг ахборот соҳасидаги хавфсизлигини таъминлаш.

3. Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда умумий фойдаланишдаги телекоммуникация ва почта тармоқларининг ишлашини таъминлайдиган хўжалик юритувчи субъектларнинг «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акциядорлик компанияларини ва «Узбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳузурида почта ва телекоммуникацияларни давлат йўли билан қўллаб-қувватловчи бюджетдан ташқари Жамғарма ташкил қилиниб, қуйидагилар шу Жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида белгилаб қўйилсин:

Почта алоқаси ҳамда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш, техника билан қайта қуроллантириш ва қайтадан тиклаш соҳасидаги устувор ҳамда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаш;

мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни молиялашда қатнашиш;

Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги маҳкамасининг фаолиятини, шунингдек унинг тизимига кирувчи мустақил даромад манбаларига эга бўлмаган телекоммуникация тизимларини тартибга солувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи давлат органларининг фаолиятини молиялаш.

Белгилаб қўйилсинки, корхоналарни хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг 40 фоизини, шунингдек Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимига кирувчи акциядорлик жамиятлари ва қўшма корхоналардаги давлатга тегишли акцияларнинг пакетлари (улушлар) бўйича дивидендларнинг 25 фоизини Жамғармада тўплаш унинг асосий манбалари ҳисобланади.

5. Шу нарса белгилансинки, Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ ўз ваколати доирасида чиқариладиган норматив ҳужжатлар телекоммуникация ва почта алоқаси хизмати кўрсатувчи ёки улардан фойдаланувчи, шунингдек мулкчилик шаклларидан қатъи назар телекоммуникация ва почта тизимлари ҳамда иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш ишларини амалга оширувчи барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этиш учун мажбурийдир.

6. «Узбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирувчи давлат корхоналари ва акциядорлик жамиятлари 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб асосий фаолият бўйича фойдадан солиқ тўлашдан 2 йил муддатга озод қилинсин, бунда бўшаб қолган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши шарт.

7. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Узбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

8. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил қилиш масалалар бўйича қарор тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 23 июль.

КОТИБЛАР ЎҚИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ ўтказилаётган минтақавий семинар-кенгашларнинг навбатдагиси 21 июлда, Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Унинг ишида республикамиз пойтахти, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари шаҳар ва туман партия кенгашларининг биринчи котиблари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни чуқурлаштиришда Узбекистон ХДП ташкилотларининг навбатдаги вазифалари ҳақида»ги маърузада тингловчилар диққатини партиямиз олдида турган долзарб масалаларга қаратди. Республикамизда кенг қанот ёзган бунёдкорлик ишларида партия аъзоларининг фаол иштирокини, ташаббускорлигини таъминлаш билан бирга, партия ташкилотлари, таъкидлади маърузачи, Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини,сафдошларимиз, фуқаролар томонидан, чуқур ўрганиш ҳамда унинг бой мазмунини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга жиддий ҳисса қўшишлари зарурдир. Хусусан, мустақиллигимизнинг олти йиллигига оид оммавий-сиёсий ишларимизни китобда баён этилган ғоя ва қоидалар билан бойитиш талаб қилинади.

Маълумки, юртбошимиз шу йил 17 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ислоҳотларнинг тақдири, уларнинг самарадорлиги, кўп жиҳатдан, раҳбар ходимларнинг янгича дунёқараш соҳиби бўлишлари, кенг қамровли фикрлашлари,

Минтақавий семинарларда

йирик муаммолар устида бош қотиришларига, умуммиллий манфаатларни кўзлаб, замон талабларига мос иш тутишларига боғлиқлигини алоҳида таъкидлади. Партиямиз ташкилотлари, деди маърузачи семинарда, ушбу умумдавлат аҳамиятига молик вазифани ҳал этишда ўз ўринларини топишлари, кадрлар тарбияси масалаларига жиддий эътибор беришлари лозим.

Музокараларда қатнашган Ўзбекистн ХДП Тошкент, Жиззах вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари биринчи котиблари Ў. Турғунов, И. Умурзоқов, Л. Ғуломов, Сирдарё вилоят кенгаши иккинчи котиби Н. Холматов, Сирғали, Зангиота туманлари, Жиззах ҳамда Гулистон шаҳарлари кенгашларининг биринчи котиблари Ё. Исоқова, Т. Файзиев, М. Иномов, Қ. Юсупалиевлар Марказий Кенгаш XVII пленуми қарорларини бажариш устида олиб борилаётган ишлар борасида гапирдилар. Улар, шунингдек қуйи партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш амалиёти, партиявий-сиёсий ишларни такомиллаштириш, жумладан сайлов округлари доирасида, омма ўртасида ишлаш тажрибаси, ҳудудий партия ташкилотларининг маҳаллалардаги тарғиботчилик фаолияти, иқтисодиётнинг нодавлат жабҳаси ходимлари, тадбиркорлар ва ёшларни ХДП сафларига жалб этиш каби кўплаб муҳим масалаларга доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар иштирокчилари Жиззах пластмасса заводи бошлағич, Жиззах шаҳар Алишер Навоий номидаги маҳалла ҳудудий партия ташкилотларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан қизиқдилар, партиядошлар билан суҳбатлашдилар, ўзаро алоқалар ўрнатдилар. Меҳмонлар, шунингдек, вилоят марказининг диққатга сазовор жойларини, жумладан, Жиззах марказий спорт ўйингоҳи, теннис корти ва «Осиё карвон саройи» улгуржи-чакана савдо бозорини бориб кўрдилар, атоқли жамоат ва давлат арбоби, таниқли адиб Ш. Р. Рашидовнинг музейини зиёрат қилиб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Жиззах вилояти ҳокими Ш. Мирзиёев семинар қатнашчилари билан учрашиб, вилоятдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва ислоҳотларнинг бориши ҳақида гапириб берди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов ва вилоят ҳокими ўринбосари А. Ҳасанов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Арманистон Республикаси Президенти Левон Тер-Петросяннинг Украинага расмий ташрифи давом этмоқда. Ташрифдан асосий мақсад икки томонлама иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришдир.***

* * *

☑ ***Кеча Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко икки кунлик расмий ташриф билан Латвия пойтахтига келди. Ташриф давомида у Латвия ва Украина ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, Европа Иттифоқи ва НАТОнинг кенгайиб бориши, шунингдек, қўшни мамлакатлар билан муносабатлар масалаларини муҳокама қилади.***

* * *

☑ ***Югославия иттифоқининг янги Президенти Слободан Милошевич расмий равишда ўз вазифасини бажаришга киришди. У бир ҳафта аввал ушбу мамлакат парламенти томонидан сайланган эди. Милошевич мамлакат скупшинасининг тантанали мажлисида Конституцияга садоқати юзасидан қасамёд қилади.***

* * *

☑ ***АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский Озарбойжонга ташрифини давом эттирди. Унинг келиши Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Билл Клинтон таклифига биноан АҚШга ташрифи масалаларига бағишланди.***

* * *

☑ ***Женевада Грузия — Абхазия можаросини тинч йўл билан бартараф этиш борасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Унда Грузия ташқи ишлар вазири Ираклий Менагаришвили ва Абхазия томонидан унинг ҳамкасби Сергей Шомба иштирок этмоқда.***

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсис этилди.

* * *

Шу кунга қадар Асака автомобиль заводида 68 мингдан ортиқ «Дамас», «Тико» ва «Нексия» автомашиналари ишлаб чиқарилди.

* * *

Мамлакатимизда «Тексуна интенрнэшнл ЛТД» компанияси билан ҳамкорликда болалар учун жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган махсус таомлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

* * *

Шу йилнинг 25 августидан 2 сентябрига қадар қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади.

* * *

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг прокат цехида диаметри 104 миллиметрли биринчи пўлат шар олинди.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ДАВРИ БОШЛАНДИ

Республикада шу йилнинг беш ойида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ортди

МДҲ давлатлараро статистика қўмитасининг сўнгги маълумотлари шундан далолат берадики, ҳамдўстликнинг қатор мамлакатларида иқтисодий аҳвол барқарорлашиб, саноат ишлаб чиқаришда муайян юксалишларга муваффақ бўлинмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ўсиши бўйича етакчи ўринни эгаллаб турганлар Қирғизистон (22,9 фоиз), Грузия (14,4 фоиз), Белоруссия (12,6 фоиз) ва Ўзбекистон (4,9 фоиз) давлатларидир. Дастлабки уч республикада иқтисодий ўсиш ташқи қарз ҳисобига эришилган бўлса, улардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ички ресурслар ва тўғридан-тўғри хорижий сармоялар эвазига ортиб борди. Нью-Йоркда нашр этиладиган «Instituti — onal investor» халқаро журнали кейинги сонларининг бирида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақида кенг таҳлилий материал эълон қилди. Ушбу мақолада америкалик экспертлар Марказий Осиёдаги мазкур республикада иқтисодий юксалиш юз беришини башорат қилганлар. Ғарб таҳлилчиларининг фикрига кўра, Ўзбекистон 5-6 йилдан кейин Марказий Осиёдаги етакчи иқтисодий «йўлбарс» бўлиш имкониятига эгадир.

Қатъий равишда олиб борилган молия-кредит сиёсати туфайли Ўзбекистон ўз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ва бунда пул қадрсизланишининг суръатини кескин пасайтиришга муваффақ бўлди. Мамлакат иқтисодиётига пул зарбхона дастгоҳларидан эмас, балки инвестиция маблағлари орқали кириб бормоқда. Натижада пулнинг қадрсизланиши 1994 йилдаги 1300 фоиздан ўтган йили 40 фоизга тушди. Жорий йилда эса инфляция миқдори 27 фоиздан кам бўлиши таҳмин қилинаяпти. Молия тизимида қаттиқ давлат назорати ўрнатилиши туфайли бу ерда кўплаб миқдорда тижорат банклари ташкил этиш имконини йўққа чиқарди. Агар бунга йўл қўйилганда, банклар Россиядаги каби бирин-кетин банкротга учраган бўлур эди. Республика тижорат банклари бозори беш йил давомида фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да, ҳали биронта тижорат банки инқирозга юз тутмади. Ва табиийки, молия тизимининг барқарорлашиши республикага хорижий банк капиталининг оқиб келишига имкон берди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 30 дан зиёд тижорат банклари, шу жумладан, қўшма банклар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Булар орасида «Ўзбек—турк» «Ут-Банк». Узприватбанк, Голландиянинг ABN Amro ва Ўзбекистон миллий банки билан ҳамкорликда ташкил этилган «ABN Amro NB» банклари бор. Бундан ташқари республикада дунёдаги йирик молия институтлари — «Дойче-банк», «Бердинер-банк», «Кредит коммерсиаль Де Франс», «Кредит свисс», «Чейз Манхэттен-банк», «Сосъете женераль», «Сакура-банк», шунингдек, Ҳиндистон давлат банки, Покистон миллий банки ва Малайзиянинг «Берхад-банк» ваколатхоналари иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда яқинда Банк Академияси очилган бўлиб, унда асосан банк соҳасида ишлаши мўлжалланган ходимлар ўқитилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида сармоялар даражаси катта суръат билан ўсиб бормоқда. Иқтисодиётга сарфланаётган сармояларнинг умумий ҳажми бугунга келиб 6 миллиард долларни ташкил этмоқда. Расмий маълумотларга кўра, капитал маблағлар ялпи ички маҳсулотнинг 26 фоизини ташкил этган бўлиб, унинг 20 фоизи чет эл сармоясига тегишлидир. Йирик сармоялар иқтисодиётнинг тоғ-кон ва кимё саноати, шунингдек, телекоммуникация ҳамда енгил саноат каби устувор тармоқларига йўналтирилмоқда. 1997 йилда капитал маблағлар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 26 фоиздан ошиб кетиши кутилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда йирик сармоядорлар муҳим роль ўйнамоқдалар. Улар бу ерда зарур инфратузилмалар ва технологиялар жорий этишни таъминлашлари мумкин.

Ҳозирги пайтда қуйидаги компаниялар орқали йирик сармоялар амалга оширилмоқда: «Лонро» (150 млн. доллар, АҚШ) компанияси — олтин қазиб олиш саноатини ривожлантиришга, ВАТ (230 млн. доллар) — тамаки саноатига, «ДЭУ» (250 млн. доллар) — автомобилсозликка ва «Ньюмонт» компанияси (150 млн. доллар) — олтинни қайта ишлаш саноатига, Марказий Осиё бўйича «ДЭУ» компанияси ижрочи директори Х. С. Чангнинг айтишига қараганда, ушбу Корея гигантининг Ўзбекистон автомобилсозлик соҳасини сармоя билан таъминлаш ҳажми 800 миллион АҚШ долларига етказилади.

«ДЭУ»нинг ўзбек иқтисодиётига сармоя сарфлаш умумий ҳажми эса 1 миллиард доллардан ошади.

Ўзбекистон бу йил ўтган 1996 йилга нисбатан мамлакат иқтисодиётига олиб кириладиган сармоя хорижий маблағлар ҳажмини 30 фоиз миқдорга оширишни мўлжаллаб турибди. Ўзбекистондаги қулай сармоя муҳити республиканинг ташқи савдо фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. 1995 йилдан буён Ўзбекистон савдо балансида ижобий қолдиққа эга бўлган МДҲдаги иккита мамлакатдан биридир. (иккинчиси Россия — «НГ»).

Мехман ГАФАРЛИ.
«Независимая газета»нинг 1997 йил 18 июль сонидан»

Таҳририятидан: МДҲ давлатлараро статистика қўмитаси тарқатган маълумотларга кўра, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1996 йилда 1991 йилга нисбатан (доимий баҳоларда) Қирғизистонда 36 фоиз, Грузияда 23 фоиз, Белоруссияда 62 фоиз, Ўзбекистонда эса 104 фоизни ташкил қилган. Қирғизистон, Грузия, Белоруссияга оид «Независимая газетада» келтирилган рақамлар (22,9:14,4:12,6) Ушбу мамлакатларда 1996 йилда кескин камайиб кетган саноат ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан олингандир. Ўз ишлаб чиқариш базасини йўқотмаган Ўзбекистон учун эса 4,9 фоизга ўсиш жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Зеро бу рақам, юқорида келтирилганидек, 1996 йилдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига (104 фоиз) нисбатан олинган. Умуман, олганда, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти учун 1-2 фоиз ўсиш нормал ва юқори кўрсаткичдир.

Шундай қилиб, 1997 йилнинг дастлабки беш ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,9 фоизга ўсиши мамлакатимиз саноати сўнгги йилларда тадрижий, яъни барқарор ва узлуксиз ривожланиш йўлидан бораётганини кўрсатади.

ЎЗИМИЗДАН ОРТТИРИБ, ХОРИЖГА ҲАМ СОТАЙЛИК

Ислоҳот ва масъулият

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари қатори боғбонлар ва соҳибкорлар ҳам ўз маҳсулотларини қўпайтиришлари талаб этилмоқда. Шунингдек, қуруқ мева ва майизни жаҳон талабларига мос равишда ишлаб чиқариб, уни ташқи бозорга ҳам чиқариш зарур.

Кейинги ўн йиллар давомида қуруқ мева ишлаб чиқаришни қўпайтиришга фан томонидан катта ҳисса қўшилди. Узумнинг уруғсиз ҳўраки навлари, ўрик, олхўри, нок ва шафтолининг янги навлари яратилди.

Бироқ қулай табиий иқлим шароитларига, мева ва узумнинг янги навлари яратилганлигига қарамай, қуруқ мева ва майиз тайёрлаш, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилмаяпти. Масалан, 1989-1994 йилларда уртача йиллик қуруқ мева ишлаб чиқариш 7 минг тоннани ташкил этганди. Айниқса, майиз тайёрлаш вазифаси қониқарли уддаланмаяпти. Агар 1986-1990 йилларда йилига ўртача 14,7 минг тонна майиз ишлаб чиқарилган бўлса, 1991-1995 йилларга келиб бу кўрсаткич 4,5 минг тоннага тушиб қолди.

Фақат 1996 йилда қуруқ мева ва майиз тайёрлаш муайян даражада қўпайди. Яъни 16 минг тонна маҳсулот тайёрланди. Шундан 11 минг тоннаси қуруқ мевадир. Бироқ, бу кўрсаткич ҳам аҳолининг талабини қондиришга ва ташқи бозорга чиқишга камлик қилади.

Республика аҳолисини бундай маҳсулот билан тўла таъминлаш учун йилига 40 минг тонна қуруқ мева ва майиз тайёрлаш керак.

Айни пайтда, республикамизда 23,4 минг гектар майдонда узумнинг майизбоп навлари етиштирилмоқда. Мевага кирган токзорлар 18,4 минг гектарни ташкил этади ёки 1990 йилга нисбатан 4 минг гектар камроқ. Оқ кишмиш навлари экилган майдонлар 5,7 минг гектарни ташкил этади. Айниқса, тилларанг, сояки, каттақўрғон, султони навлари камайиб кетди.

Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тавсия этилган агротехник тадбирларга ўз вақтида риоя этиб, токзорларга яхши парвариш берилса, зараркунандаларга қарши фан тавсияларига кўра кураш олиб борилса, ҳар гектар ердан камида 60-80 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанддаги филиали томонидан мева қуритишнинг илғор ва тежамкор усуллари ишлаб чиқилган. Мева қуритишдаги энг оддий усул — сўрида қуритишдир. Бу усулда узумнинг энг яхши навлари қайнаб турган 0,3-0,4 фоизли шарбатга 5-7 дақиқага ботириб олинади. Кейин эса ёғоч патнисларга ёйилади ва 1 кг. узум ҳисобига 0,5-0,8 гр. олтингугурт билан ишлов берилади. Бу усулнинг иқтисодий самараси 1 тонна тайёр маҳсулот — майиз учун 43 минг сўмни ташкил этади.

Қуритишнинг яна бир оддий ва фойдали усули плёнка остидаги сўриларда қуритишдир. Бунда иқтисодий самара бир тонна тайёр маҳсулот учун 37,2 минг сўмни ташкил этади.

Замонавий механизациялашган қуритиш қурилмаларидан фойдаланиш энг илғор усуллардан биридир. Шредер номидаги бирлашманинг Самарқанддаги филиали Киевдаги техник иссиқлик физикаси институти билан ҳамкорликда СКО-90 қуритиш агрегатини яратди. У ҳар соатда 80-100 кг. тайёр маҳсулот чиқариш имкониятини беради. Техника ёрдамида мева қуритишнинг фойдаси 72 фоизни ташкил этади. Бир тонна тайёр маҳсулотдан олинадиган иқтисодий самара 41 минг сўмни ташкил этади.

Сифатли қуруқ мава олиш учун халқ усулларидан ҳам яхши фойдаланиш зарур. Бу сояки усулидир. Бу усулда узум махсус «соякихона»ларга жойлаштирилади. Бунда майиз ажойиб рангга киради. Мазаси ҳам янги узилган узумдек сақланади.

Республикамизда майиз ишлаб чиқаришдан ташқари юқори сифатли қуруқ мева тайёрлаш имконияти ҳам бор. Ўрик, шафтоли, олхўри ва бошқа мевалардан сифатли маҳсулот тайёрлаш мумкин. Ўрикнинг хурмойи, исфарак, субхони навлари, Фарғона водийсида қўрсодиқ, юбилей, Навоий, Гулистон, наврўз, Авиценна ва бошқа навлари Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбида яхши ҳосил беради. Шафтолининг лола, обилний, старт навлари, олхўрининг чернослав, исполин, бертон навларидан ҳам сифатли қуруқ мева тайёрлаш мумкин.

Бугунги кунда жаҳон ьозорида оқ рангли узумлардан тайёрланган майизларга талаб катта. Шу боис майиз ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун унинг хом ашё базасини 15-20 фоизга оширишимиз керак. Узумнинг оқ кишмиш, ботир, хишрав, эртаки, Самарқанд сингари уруғсиз навларини кўпайтириб бориш талаб этилади.

Эндиликда бу соҳада чуқур ихтисослашган хўжалик ва туманларни кўпайтириб бориш керак. Масалан, Самарқанд, Ургут, Булунғур, Тойлоқ, Қўшработ туманларида, Пайариқ туманининг шимолий қисмидаги хўжаликларда ҳамда Иштихон туманининг шимолий-шарқий қисмида қуруқ мева тайёрлайдиган корхоналарни қуриш мақсадга мувофиқдир. Китоб, Яккабоғ, Қарши, Бахмал, Хатирчи, Қизилтепа, Бухоро, Ғиждувон ва Ромитан туманларида ҳам қуруқ мевачиликка ихтисослашган корхоналар қурилса айни муддао бўларди.

Оқ кишмиш ва оқ мевали навлардан «тилларанг сабза» майизини олишда анъанавий усулларни тиклаш зарур. Каттақўрғон, султони, нимранг ва бошқа узумлардан ҳам майиз тайёрлашни кенг йўлга қўйиш керак.

Фарғона водийсининг Водил, Сўх ҳудудларида, Наманган вилоятининг Янгиқўрғон, Чуст, Косонсой туманларида, Самарқанд вилоятининг Зарафшон тоғолди ҳудудларида, шунингдек, Пахтачи ва Нарпай туманининг водий қисмида, Қашқадарё вилоятининг Мироқи ва Деҳқонобод тоғ массивларидаги лалми ерларда, Навоий ва Қизилтепа туманларининг водий ерларида, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида, Тошкент вилоятининг Паркент, Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманларидаги тоғолди ерларда, Сурхондарё вилоятининг барча туманларида ўрикнинг саноат навлари қатори арзами, рухижувонан, миёна, хурмои, исфарак, қўрсодиқ, субҳони, юбилейний, Навоий, шунингдек, наврўз, Гулистон, Авиценна, навбаҳор ва бошқа навларини етиштириб, туршак қилиш мумкин. Айни пайтда шуни ҳам айтиб ўтмоқчимиз, бу йил 25-30 минг тонна майиз, 15-20 минг тонна қуруқ мева тайёрлаш имконияти бор. Бу фақат республикамиз аҳолисини таъминлашни эмас, балки хорижий бозорларни кўзлашимизни ҳам тақозо этади.

Маҳмуд МИРЗАЕВ,
академик.
Юрий ЖАВАКЯНЦ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

НИЯТ — ВАТАНИМИЗ БОЗОРИНИ ТЎЛДИРИШ

Яқин-яқинларгача мамлакатимизда болалар пойабзали масаласи доим муаммо бўлиб келарди. Хорижий мамлакатлардан келтирилган пойабзаллар эса сифатли бўлгани билан, нархи чақиб оларди. Маҳаллий пойабзалчиларимиз эса хом ашё етишмаслигидан, технология эскириб қолганлигидан сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур бўлишарди.

Ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистонда болалар пойабзали ишлаб чиқариладиган корхоналарни кўпайтиришга қарор қилинди. Энг муҳими уларни замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Чирчиқдаги очиқ турдаги «Бахт» акционерлик жамияти, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва Германиянинг «Эвимекс» фирмаси (таниқли «Саламандер» фирмаси воситачилигида) Чирчиқ шаҳрида янги корхона бунёд этишди.

«Кибо» болалар пойабзали янги қўшма корхонаси Чирчиқ шаҳрида бундан 7 ой бурун очилган эди. Қисқа муддат ичида унинг маҳсулотлари мамлакатимиз бозорларини эгаллаб олди. «Кибо»да ишлаб чиқарилган болалар пойабзаллари табиий чармдан тайёрланган бўлиб, айни пайтда юртимиз болаларига манзур бўлаётир. Энг муҳими, у пишиқ-пухта, енгил, замонавий ва кўркамдир. У фақат боларгагина манзур бўлиб қолмай, чидамлилиги учун уларнинг ота-оналарига ҳам хуш келмоқда.

Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш майдонлари замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланган. Уларни германиялик ҳамкасблар келтиришган. Германиялик усталар ўзбекистонлик пойабзалчиларга янги технологияни ўзлаштиришда ёрдам беришди. Асосий ишлаб чиқаришнинг 19 мутахассиси Германиядаги турдош корхоналарда ўз малакаларини ошириб қайтишди.

Шуниси қувончлики, ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда. Масалан, Германия томони маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган асосий хом ашёни юборяётган бўлса, ёрдамчи хом ашё Италиядан келтирилмоқда. «Кибо» пойабзал корхонаси ишчилари шу йилнинг ўзида 250 минг жуфт сифатли, арзон пойабзал ишлаб чиқариш ниятида меҳнат қилишаётир. Айни пайтда чирчиқлик пойабзалчиларнинг конвейерларида моделларнинг II тури ишлаб чиқарилмоқда. 47 рангдаги бу маҳсулотлар кичик ва ўсмир ёшдагиларга мўлжаллаб тайёрланаётир.

Корхона келгуси йили лойиҳадаги қувватга тўла эришади. Шундан сўнг маҳсулотнинг сони ва унинг турлари бир ярим баравага кўпаяди.

Қўшма корхона ҳали ёш бўлишига қарамай унинг маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Айниқса МДҲ мамлакатларидан кўплаб буюртмалар тушмоқда. Масалан, Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси, Болтиқбўйи мамлакатларининг савдо корхоналари чирчиқлик пойабзалчиларга йирик буюртмалар беришмоқда. Бироқ, чирчиқлик пойабзалчилар ватанимиз бозорини сифатли маҳсулот билан тўлдиришга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Уларнинг нияти аввал Ўзбекистон бозорини тўлдириш. Шундан сўнг имкон бўлса, хорижга ҳам маҳсулот чиқаришни қўзлаб туришибди. Шу боис ҳам яқинда Чирчиқ шаҳрида «Кибо» қўшма корхонасининг фирма дўкони очилди.

— Ушбу корхонада 18 йилдан бери меҳнат қиламан. Аввалари арзимас маош олардик. Биз ишлайдиган дастгоҳлар ҳам эскириб қолганди, — дейди бичувчи Соҳиба Туйчиева. — Эндиликда биз ишга ижодий ёндашмоқдамиз. Зеро, биз ишлаётган дастгоҳлар ишга ижодий ёндашишни, янгиликларни дадил жорий этишни талаб қилади. Шу боис, биз корхонамизнинг маҳсулотларини янада сифатли қилишга, унинг довруғини оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳа, дадил одимлаётган қўшма корхона мамлакатимиз бозорига сифатли, пишиқ-пухта маҳсулотлар етказиб бераётган экан, биз ҳам пойабзалчиларнинг эзгу ишларига омад тилаймиз.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

Суратларда: «Кибо» қўшма корхонаси участкаларидаги иш жараёни.
Р. Нуриддинов (ЎзА) олган суратлар.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ФАРҒОНАДА ҚЎЙЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ БОРМИ?»

Фарғона вилоят ҳокимлиги мутахассислари томонидан газетанинг 1997 йил 12 апрель сонида босилган «Фарғонада қўйчилик истиқболи борми?» сарлавҳали танқидий мақола ўрганиб чиқилди.

Вилоятимиз чорвадорлари ҳақиқатдан ҳам мақолада кўрсатилганидек, Қирғизистон Республикаси Чотқол — Чонг — Олой туманлари яйловларида боқиш учун қўй чиқаришга муҳтождир ва бунинг асосий сабаби эса вилоятда чорва молларини боқиш учун яйлов йўқлигидир.

Мақолада ёзилган қўйчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги таклиф ўринли, бироқ вилоятда яйлов йўқлиги сабабли бу таклифни рўёбга чиқаришнинг иложи йўқ.

Мақоладаги иккинчи йўналиш — аҳоли қўлида боқилаётган қўйларга давлат томонидан ем-хашак бериш, ветеринария хизматини яхшилаш таклифи бўйича шуни айтамизки, вилоятда аҳоли қўлидаги чорва моллари учун ҳозир имкон даражасида ем-хашак ажратилиб, ветеринария хизмати кўрсатилмоқда. Қолаверса, вилоятимизда тузилган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси аҳолининг емга бўлган талабини қондиради.

Вилоятимизда майин жунли қўйларни боқишга шароит йўқ. Шу боисдан уларни кўпайтириб бўлмайди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари
А. ОТАБОЕВ.

«ЧЎНТАГИМДАН ЧИҚАРМИДИ?»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 17 апрель сонида чоп этилган «Чўнтагимдан чиқармиди?» сарлавҳали танқидий мақоласини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

Эълон қилинган мақола юзасидан Хоразм вилоят «Саноатқурилишбанк»ида текшириш ўтказилди ва айбдор шахс — тадбиркорларга кредит бериш бўлимининг бошлиғи Алфия Қулматова йўл қўйган камчиликлари учун эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

1997 йил 18 мартда «Ориентир» қўшма корхонасига берилган кредит бўйича Урганч шаҳар прокуратураси томонидан текширув ўтказилган.

Текширувлар натижасида амалиёт бўлимининг бухгалтери Гулнора Отамуродова бу кредитни беришда айбдорлиги аниқланди ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

1997 йил 1 июль ҳолатига кўра «Ориентир» қўшма корхонасининг банкдан қарзи қолмаган. Олган кредитни тўла қайтарган ва тўлов муддатидан ўтган қарзи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 мартдаги Фармонига биноан Хоразм вилояти «Саноатқурилишбанк»и бўлими «Ўзуйжойқурилишжамғарма» банки таркибига топширилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раисининг муовини А. ЮСУПОВ.

* * *

Газетанинг 1997 йил 17 апрель сонида чоп этилган «Чўнтагимдан чиқармиди?» сарлавҳали танқидий мақоласи «Ўзмевасабзавотбанк» Урганч бўлими ходимларининг 1997 йил 21 апрелдаги умумий йиғилишида ва «Ўзмевасабзавотбанк» бошқарувининг 1997 йил 5 майдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди.

Ҳақиқатдан ҳам прокуратура топшириғига биноан Урганч шаҳар солиқ инспекцияси томонидан текшириш ўтказилган ва текшириш натижаларига кўра «Ўзмевасабзавотбанк»нинг Урганч бўлими собиқ бошлиғи Ш. Ахмедовга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, дастлабки тергов ишлари олиб бориляпти. Тергов ишлари олиб борилаётган «Музроб» хусусий фирмасининг банкдан олган кредит қарзини қайтариш борасида тегишли ишлар ўтказилган. Натижада асосий кредит қарзи 1 млн. сўм ва фоиз қарзларининг 238 минг сўмини қайтаришга эришилган. Қолган 367 минг сўм фоиз қарзларини ундириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Йиғилишда мақолада кўрсатилган камчиликларга йўл қўймаслик борасида чора-тадбирлар белгиланиб, бундан кейин тўлов интизомига қатъий риоя қилиш ҳамда унинг бузилишига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланиб, мазкур масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи О. ИСОҚОВ.

«ҚУВОНЧИМИЗ УЗОҚҚА БОРМАДИ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 26 июнь сонида чоп этилган «Қувончимиз узоққа бормади» сарлавҳали танқидий мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида кўриб чиқилди.

Мақолада уюшма тизимидаги барча транспорт корхоналарида, ҳайдовчи ва чипта сотувчиларнинг умумий йиғилишида, корхона ва бошқарма раҳбарларининг мажлисида кенг муҳокама қилинди.

Мақолада келтирилган камчиликлар юзасидан махсус текширув ўтказилди. Текширув натижалари мақолада қайд этилган йўналиш ҳайдовчилари орасида атрофлича муҳокама қилинди, камчиликларга йўл қўйган ҳайдовчилар қаттиқ танқид остига олинди. Бекатларда нормативдагидан ортиқ туришларга чек қўйиш учун ҳар бир ҳайдовчи билан махсус йўриқнома ўтказилди.

Йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини ошириш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир йўналишга чиқарилаётган транспорт воситаларини чиптачилар билан таъминлаш юзасидан бир қанча ишлар қилинмоқда.

Агар 1996 йилнинг 1 сентябрида 333 та чиптачи ишлаган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 1799 нафарга етди. Ўтган 9 ой мобайнида 2590 киши чиптачиликка ишга қабул қилинган бўлса, шулардан 1093 нафари ўз ишини эплай олмаганлиги ёки йўловчилар ҳақига хиёнат қилганлиги учун ишдан бўшатилди. Шу кунга қадар чиптачи бўлиб ишлаш хоҳишини билдирган ҳар қандай шахс ишга қабул қилинаётган эди. Бугунги кунда чиптачилар орасидаги меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, қўпимсизликларга чек қўйиш мақсадида ҳайдовчи ва чиптачиларни ишга қабул қилиш махсус ҳайъат суҳбатидан сўнг амалга оширилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий самарасини беради, деб умид қиламиз.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишни доимий назорат остига олади.

Бошқарув раисининг ўринбосари Р. УСМОНОВ.

ЮРТ ДИЙДОРИГА ТАЛПИНИБ...

Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон (1881 йил Кармана — 1944 йил Кобул) мангитлар сулоласидан бўлиб, у 1910-1920 йилларда Бухоронинг ҳукмдори бўлган. Амирнинг сиёсий қиёфасини М. Фрунзе қуйидагича тавсифлайди: «Бу киши Оврупача маълумотли (бизнинг собиқ кадетлар корпусимизни тугатган), Россия монархиясининг содиқ дўсти, характер жиҳатдан заиф ва иродасиз киши бўлиб, Бухорода энг қудратли бўлган уламоларнинг тамомила таъсири остида эди».

Амирнинг бошқа бир мухолифи, ёш бухороликлар фирқасининг асосчиларидан бири Абдурауф Фитрат эса ўзининг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» рисоласида амирнинг «давлат ва ҳокимият ишларида ўта билимдон эмаслиги»ни, унинг «гул, ишёқмаслиги»ни аччиқ бир киноя билан тасвирлайди. Фитратнинг ёзишича, «Амирнинг мулкни бошқаришга ақл ва иродаси етмас эди». Бунинг устига, Саид Олимхон бошқа мангит амирлари каби айш-ишратга ўч, маишатга муккасидан кетган ҳукмдор эди. Унинг ҳарамида бутун мамлакатдан ва ҳатто Россиядан келтирилган қиз-жувонлар тўлиб кетган эди. «Айтиш мумкинки, салтанатдагиларнинг Олимхонга сулим қиз ёки аёл топиб беришдан бошқа ҳеч масъулияти ва вазифаси йўқ эди», — деб ёзганида Фитрат заррача муболаға қилмаган.

Амир Саид Олимхон Бухоро давлати ва халқи тарихи учун жуда масъулиятли бўлган бир даврда — 1917-1920 йилларда адолат ила юрт сўраш ўрнига жабр-зулмни кучайтирди, мамлакатда конституцион монархия ва демократик тартиботлар ўрнатмоқчи бўлган жадидлар — ёш бухороликларни аямасдан қириб ташлади, амирлик ҳудудида янгилик ва тараққиётга томон бўлган ҳар қандай интилишни мурғаклигидаёқ бўғиб ташлади. Маҳмудхўжа Беҳбудийни махфий тарзда ўлдиртирган, адиб Айнийни калтаклатган, Файзулла Хўжаевни бир неча марта ўлимга ҳукм қилган мустабид ҳукмдор ҳам шу Саид Олимхон эди. «Бухоро амири ўзининг сиёсий чекланганини ўзи кўрсатди», — деб Аҳмад Заки Валидий хотираларида кейинчалик таъкидлайди.

1920 йил сентябрда тож-тахтдан маҳрум қилинган амир Саид Олимхоннинг шахсиятида кескин ўзгаришлар рўй берди.. Собиқ амир ўзининг эсдаликларида у шарқий Бухорода бўлган чоғида мунтазам равишда уруш ҳаракатлари билан банд бўлганлигини, «Ҳисор вилоятида большевикларга қарши олти ой давомида кураш ва жанг олиб» борганлигини таъкидлайди. Ниҳоят большевиклар «...Москвадан анчагина аскар ва ҳарбий қуроллар йиғиб келдилар. Шу билан улар бирдан ислом лашкари устига ҳужум бошладилар. Ислом аскарларида ҳарбий анжом ва қуроллар кам бўлганлиги жиҳатидан ўн кун давомида урушиб, жанг қиладилар», сўнгра амир ўз аскарлари билан Қўлоб вилоятига ўтади ва мадад сўраб хорижий давлатларга мурожаат қилади.

Маълумки, бу пайтда шарқий Бухородаги ватанпарварлар Қизил армия қисмларига қарши ҳаёт-мамот курашини авж олдириб юборган эдилар. Амир ўз юртида қолиб, бу курашга бевосита раҳбарлик қилиш ўрнига, 1921 йил 4 мартда — бундан роппароса 76 йил муқаддам «Қўлоб вилоятининг усти билан Амударёдан ўтадиган жойдан» Афғонистон тупроғига ўтиб, Кобул шаҳрига — афғон амири Омонуллахон ҳузурига келди. Саид Олимхон Кобулдан туриб Бухородаги мужоҳидлар ҳаракатига йўл-йўриқ кўрсатиб турди, ҳаракатнинг машҳур йўлбошчилари ва саркардаларига турли мактублар ва қимматбаҳо совғалар жўнатиб, уларни курашга илҳомлантирди. Собиқ амир бухоролик муҳожирларнинг Афғонистондаги раҳбари ҳам эди. Юртидан мосуво бўлган амир умрининг охиригача Бухорога интиқ ҳолда яшаб, шу ерда умргузаронлик қилди.

Амир Саид Олимхон муҳожирликда ўзининг машҳур эсдаликларини ёзди. «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» деб номланган ушбу мемуар ва амирнинг Миллатлар лигасига ёзган баёноти 1927 йил сентябрда унинг вакили генерал Ҳожи Юсуфбек Мукимбий орқали Женева шаҳридаги Миллатлар Иттифоқига топширилди. Ушбу хотираларида амир Бухорода большевиклар билан бўлган муҳорабани, мужоҳидлар курашини тасвирлайди.

Маълумки, Саид Олимхон Бухорони тарк этар экан, ўша тўс-тўполонда нафақат давлат хазинасини, балки оила аъзоларини ҳам шаҳарда қолдириб кетишга мажбур бўлган эди. Амирнинг бутун оила аъзолари ва қариндош-уруғлари (уларнинг умумий миқдори архив ҳужжатларида 118 киши деб номма-ном кўрсатилган) қўлга олиниб, уй қамоғида сақланди. Аммо янги ҳукумат томонидан уларга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказилмайди.

Собиқ амир Бухоро халқ жумҳурияти раҳбарларига мурожаат қилиб, оила аъзолари ва яқинларини Афғонистонга жўнатишни илтимос қилганда, Ф. Ҳўжаев ва Фитрат бу ўтинч қондирилишини қатъий туриб талаб қилишди. 1923 йил 4 июлда бўлган Бухоро Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Ижроия бюросининг йиғилишида ушбу масала кўриб чиқилиб, у ижобий ҳал қилинди. Аммо амирнинг Султонхон, Шоҳмуродхон, Абдураҳимхон номли учала ўғли Марказнинг талаби билан Москвадаги Бухоро Маориф уйига «советча усулда тарбиялаш» учун жўнатилди.

Амир Саид Олимхоннинг оналари Турабойим, Шамсиёбойим, Тутиойим, қизлари Хосиятой, Саодатой, завжалари Муҳаррамойим, Мушаррафойим, Муборакойим, Хурсандойим, амакилари Мир Муҳаммад Сиддиқ Музаффархон ўғли, Мир Содиқ Музаффархон ўғли, Мир Носир Музаффархон ўғли, Мир Абдул Азимхон Музаффархон ўғли, синглиси Шоҳой, туққан онаси Давлат Бахт ва бошқа яқин қариндошлари (жами 51 киши) ўз ихтиёрларига кўра Афғонистонга юборилди.

Амир Саид Олимхон оиласи ва қариндош-уруғларидан жами 51 киши ўз ихтиёрларига кўра Афғонистонга юборилди.

Амир оиласи ва қариндош-уруғларидан Бухорода қолган 64 киши эса зўлдик билан тутқунликдан озод қилиниб, уларга бу ерда яшашлари учун шароит яратиб берилди. Лекин, 30-йиллар охиридаги оммавий қатлиомда улар қатагон қилинди.

«1932 йилда амир Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги орқали Афғонистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси Муҳаммад Азизхонга шахсий мактуб йўллаб, «фарзандларини қутқаришда ёрдам беришини илтимос қилди». Афсўски, амирнинг бу соҳадаги бутун интилишлари зое кетди.

Саид Олимхон ўғилларининг тақдири фожиали тугади. Ўзининг муҳожирлик қайфиятларини яккол намоён этган кичик ўғли Абдураҳимхон 1937 йил қатагонларида жосусликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинди. Катта ўғли Султонхоннинг бир оёғи ногирон бўлиб, у 40-йилларнинг охирида қамоққа ташланди ва кўп ўтмай ўша ерда ҳалок бўлди.

Уртанча ўғли Шоҳмуродхоннинг тақдири сал бошқачароқ кечди. У «Известия» (16.VI.1929 й.) газетасида ўзининг собиқ амир отасидан «воз кечганлиги» ҳақида хат билан чиқишга мажбур бўлгандан сўнг, Ҳарбий-инженерлик академиясида ўқиб, отаси сингари «генерал» унвонига сазовор бўлди. У 1985 йил 75 ёшда Москвада вафот этди.

Саид Олимхоннинг бошқа фарзандлари Афғонистоннинг Кобул шаҳри яқинидаги Қалъаи Фоту деган жойда таваллуд топишган. Бундан уч ярим йил муқаддам «Ўзбекистон овози» рўзномасида чиққан катта мақолада айтилишича, ҳозирги кунда амирнинг икки хотини, ўн икки нафар ўғли ва ўн нафар қизи тирик. Улар Туркиянинг Ғозиантиб шаҳрида, шунингдек, АҚШ, Германия, Покистон, Саудия Арабистони ва Эронда истиқомат қиладилар. Амирнинг ўғиллари 1993 йилда ота юртлари — муқаддас Бухоройи шарифга келиб, уни зиёрат қилиб кетишди.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
Ўзбекистон ФА Тарих институти докторанти.

Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот Исроил ташқи ишлар вазири Давид Леви билан учрашиш учун Брюсселга келди.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Фаластин—Исроил музокаралари Европа Иттифоқининг Бельгия пойтахтида очилаётган навбатдаги мажлиси доирасида бўлиб ўтади. Мажлис давомида Ё.Арафот ва Д.Леви Фаластин—Исроил можаросига тезроқ барҳам бериш йўллари ҳамда Яқин Шарқ минтақасида тинчлик ўрнатишга доир масалалар ҳусусида фикрлашади.

***

Комбоджа биринчи бош вазири, Шаҳзода Народом Ранаритга қарашли кучлар мамлакатнинг Шимоли-Ғарбий ҳудудларида бўлаётган жангларда иккинчи бош вазир Хун Сен қўшинлари устидан ғалаба қозонди. Июль ойининг бошида Хун Сен томонидан биринчи бош вазир лавозимидан маҳрум бўлган Н.Ранаритга қарашли қўшинлар муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Самроунг шаҳрини эгаллаб, айни пайт мамлакат жанубига томон ҳужум уюштирмоқда.

***

Японияда қурол-яроғни камайтириш бўйича анъанавий халқаро конференция бошланди. Ушбу конференция БМТ томонидан ташкил қилинган бўлиб, унда 32 мамлакат вакили иштирок этмоқда. Тўрт кунлик конференция давомида қатнашчилар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ўтган йилнинг сентябрида қабул қилинган бутун дунёда ядро синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартнома кучга киргандан кейин, атом бомбалари ҳамда оддий қуролларни камайтириш муаммолари ҳақида фикр юритади.

АҲРОР АМЕРИКАДА ДАВОЛАНМОҚДА

Бу фожеа бундан уч йил бурун Зангиота туманида тўйда содир бўлганди. Базм авжига чиққан. Ҳамма шод, хурсанд. Тўйни қизитиш учун базмда иштирок этаётганлардан бири мушак ота бошлади. Биринчи мушак осмонга отилгач, ҳаммаёқни қийқириқ босди. Ўз ҳунаридан хурсанд бўлган мушакбоз иккинчисини отишга тайёргарлик кўра бошлади. Шунда кутилмаганда осмонга отилган мушак йўналишини ўзгартириб тўйдагиларга келиб тегди. Энг асосий зарба Тошкент 2-Тиббиёт институти бешинчи курс талабаси Аҳрор Раҳмедовга тегиб оғиз-бурнини қон-қора қон қилди. Тўй тўйда қолди. Мушак Аҳрорнинг бурун ва оғиз бўшлиғини ўпириб юборган эди. Бемор бир ҳафта хушсиз ётди. Докторлар умидини узган эдилар. Шундай оғир аҳволда тиббиётда камдан-кам содир бўладиган воқеа юз берди. Йигитлик иродаси, сабр, бардош туфайли у омон қолди. Аммо у энди лабсиз, тишсиз, танглайсиз, жағсиз эди.

Бундай оғир жароҳат табобатда учрамаган эди. Докторлар уни қандай даволаш кераклигини билмас эдилар. Ниҳоят бемор республика Жарроҳлик марказига ётқизилди. Бу ерда уни ўз ишининг моҳир устаси, профессор Мурод Юнусов даволай бошлади. Профессор кейинги икки йилда Аҳрорни ўн маротаба операция қилди. Аммо энг оғир операциялар ҳали олдинда эди. Аҳрор жағсиз қолганди. Унга уч йил давомида олти синглиси сабзавот ва меваларни қирғичдан ўтказиб оғзига солиб қўяр эдилар. У касалхонада даволанар экан, ҳаётдан умидини узмади, яхши инсонларнинг далдаси унга умр бағишлади.

Кунлардан бир кун у ётган палатага бир беморни ётқиздилар. Бемор ҳафта даволангандан сўнг уйига қайтадиган бўлди. Қайтиш олдидан Аҳрорга ундан америкалик дўстлари билан таништириб қўйишни ваъда қилди. Ниҳоят 1996 йил 10 май куни икки америкалик йигит Джим ва Кайл Аҳрор ҳузурида ёзма «суҳбатлашиб» ўтирар эдилар. Джим ва Кайл Аҳрор билан ёзув орқали тиллашар эканлар, унинг ақлига, зеҳнига қойил қолдилар. Улар бир неча маротаба Аҳрор ва уни даволовчи доктор Мурод Юнусов билан учрашгач, «Ўзбек йигити ёрдамга муҳтож» номли видеофильмлар яратдилар ва уни қўпайтириб Америка касалхоналари ва таниқли врачларига юбордилар. Америкалик врачлар Аҳрорга ёрдам қилиш учун Тошкентдан қўшимча маълумотлар сўрай бошладилар. Ниҳоят бир неча ойдан сўнг Портланд шаҳридаги Рут Борук исмли доктордан хат келди. У ўзбек йигити фожеасини чуқурроқ ўрганиб, унга амалий ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистонда икки йилдан бери ишлаётган сиэтлик эри-хотин докторлар Джойс Доан ва Рошга мурожаат қилди. Улар Аҳрор ва унинг даволовчиси Мурод Юнусов билан учрашиб америкалик жарроҳларга қўшимча маълумотлар юбордилар.

Шундай қилиб Аҳрор ва уни даволовчи доктор Мурод Юнусов америкаликларнинг таклифи билан шу йил март ойида Сиэтлдаги марказий тиббиёт касалхонасига етиб бордилар. У ерда уларни жуда яхши кутиб олишди. Доктор Кей Джохансен тиббиёт фанининг турли соҳасидаги мутахассислар: тил, тиш, танглай, бурун, оғиз бўйича врачлар билан кенгашиб операцияга тайёргарлик кўра бошладилар. Аҳрор ўтган уч йил давомида ўн беш килограмм озган эди. Докторлар уни дастлабки ҳолатига келтириш учун тўйимли овқатлар бера бошлади. Икки ярим ой ичида Аҳрорнинг оғирлигига ўн икки ярим килограмм қўшилди. Мутахассислар фикрича у яна уч-тўрт килограмм семириши керак экан. Шундан сўнг операция бошланади. Жарроҳлар Аҳрорни бир неча маротаба операция қилмоқчилар. Дунё жарроҳлари бўлажак операцияни диққат билан кузатиб турибдилар.

Худо хоҳласа Аҳрор тузалиб ўз она-Ватанига, синглилари бағрига, қариндош-уруғлари олдига қайтиб келади. Биз Аҳрорга ва унинг тошкентлик даволовчи доктори Мурод Юнусовга операция муваффақиятли ўтишини тилаб қоламиз. Ва ишонамизки, Аҳрорнинг «тили чиққач» «раҳмат» деган сўзни биринчи бўлиб америкалик жарроҳларга айтади.

Эргаш УМАРОВ.

ЎТАЁТГАН БИР ОЙ... ВА УНДАН КЕЙИН

Инглизлар ҳужжат қоидаларига қатъий риоя этадилар. Хитойликларнинг тантаналарга ўчлиги ҳақида эса латифалар бор. Шундай экан, Гонконгнинг «қўлдан-қўлга» ўтишида ҳар иккала томон ҳам ҳар бир дақиқани ҳисобга олган ҳолда ҳужжатларга имзо чекди. Британияликлар уларнинг байроғи 1 июль куни соат роса 12 да, мустамлаканинг 99 йиллик ижара муддати ниҳоясида «Тангри, қироличани асра» мадҳияси остида қуйи туширилишини исташарди. Хитойликлар эътироз билдирдилар, чунки Британия мадҳиясининг сўнгги садолари «уларнинг вақтларига», Хитой Халқ Республикасининг мадҳияси янграши керак бўлган вақтга ўтиб кетиши мумкин эди. Бундай мураккаб вазиятда ўрта йўл топилди. Иккала томон ҳам тун ярмидаги соат 12 гача ва ундан кейин беш лаҳза сукут сақлайдиган бўлди.

Гонконгнинг Хитойга қўшилиши, шубҳасиз, жаҳон миқёсида йилнинг энг улкан воқеаси бўлди. Бу ҳодисанинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, Гонконг 1947 йилдан бошлаб инглизларнинг мустамлакасидан бирин-кетин халос бўлаётган Ҳиндистон, Кения ёки Малайзия сингари мустақил давлат мақомини олмади, аксинча, бошқа бир давлат, яъни Хитой тасарруфига ўтди, холос. Боз устига, дипломатия йўли билан, 1984 йилда эришилган Хитой — Британия келишувига биноан шундай бўлди.

Албатта, энди маълум бўлишича, бундай мураккаб масаланинг тинч йўл билан ҳал этилиши ҳарбий ультиматумсиз бўлмаган экан. Пекинда 1982 йилда Дэн Сяопин билан бўлиб ўтган музокараларда Маргарет Тэтчер 1997 йилда муддати тугайдиган Британия ижарага олган Гонконгнинг тақдирини яна чорак аср мобайнида инглизлар қўлида тутиб туришга қаттиқ ҳаракат қилган. Тэтчернинг ўзи ғувоҳлик беришича, Дэн Сяопин бу масалага шундай муносабат билдирган: «Йўқ. Бунақада мен бугуннинг ўзидаёқ, куннинг қоқ ярмида Гонконг ҳудудига Хитой қўшинларини киритаман». Маргарет Тэтчер бу гап қатъий, аниқ, шундай бўлиҳ а шига шубмайдитарзда уйғотнини ган бир айтилгатан олади.

Сиёсий шарҳловчи НИГОҲИ

Аниқ қилиб айтганда, 1997 йил 1 июлда бутун мустамлаканинг эмас, балки унинг бир қисми, «янги ҳудудлар» дея аталувчи қисмининг ижара муддати тугаши керак эди. Бу ҳудудлар мазкур жойдаги Британия мустамлакасининг катта қисмини ташкил этса-да, 1842 йилдаги Нанкин шартномаси ҳамда 1862 йилдаги Пекин конвенсиясига биноан инглизларга абадий берилган айнан Гонконг ороли ва Коулун ярим оролини ўз таркибига олмас эди. Бироқ, энг қизиғи, Дэн Сяопин билан музокаралар бошланишидан олдин Маргарет Тэтчер Хитой парламенти остонасига беҳудага қоқилмади. Иримчилар учун бу қандайдир нохуш аломат эди. Нима бўлганда ҳам, Маргарет Тэтчерга бутун мустамлакани Хитойга қайтаришига тўғри келди.

Бугун ўтган аср сўнггидаги Хитой дипломатиясининг доноларча узоқни кўра билишига тан бериш керак. У уша йилларда японияликлар билан уруш туфайли мушкул аҳволга тушиб қолган эди. Вазият Англия билан бўлган «банги уруш» ва унинг натижасида Гонконг ва Коулуннинг Лондонга абадий берилиши давридан ҳам мураккаброқ эди. Шунга қарамай, Пекин дипломатлари ижара шартнома имзоланишига эришдилар. Унинг 99 йиллик муддати хитойликларга эмас, европаликлар учун абадий туюлади. Хитойликлар ҳамиша минглаб йиллик ўз тарихлари билан бирга яшайдилар, улар учун 99 йил — бу яқин келажак. Қолаверса, бугунги кунда Гонконгни Хитойга қайтарган мамлакат раҳбарлари ўз ёшларига кўра ўтган аср сўнгида инглизлар билан музокаралар олиб борган хитойликларнинг набираларидир.

Гонконг Хитойга қўшилди. Энди у қандай ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан боради? Халқаро молиявий марказнинг Нью-Йорк ва Лондондан кейин — учинчи ўринда, Осиёда Японiядан кейин — иккинчи ўринда гуллаб-яшнаётган Гонконг ўзининг янгича бозор иқтисодиёти механизми билан Хитой тасарруфига ўтди. Аҳоли жон бошига ички ялпи маҳсулот тўғри келиши бўйича (йилига 24 минг доллардан ортиқ) Гонконг Буюк Британиядан бир ярим баравар устун, бу йўналишда дунё етакчиси бўлган АҚШдан 4 минг доллар орқада қолади, холос. Бундан ташқари Гонконгнинг ижтимоий-сиёсий муҳити ҳам Хитойдан фарқли. Гонконгда кейинги йилларда либерал қонунлар қабул қилиндики, бу кўп партияликка, фуқаролик ва сўз эркинлиги каби бир неча демократик ўзгаришлар ва ривожланишга имкон берди.

Гонконгнинг Хитойга қўшилишини Ғарб матбуоти турлича шарҳламоқда. Масалан, «Труд» газетаси ёзишича, «Америка овози» «Берлин деворининг қулаши, совет империясининг таназзули дунёни озодлик сари йўналтирди. Бироқ, Осиё қитъасидаги демократия ва эркин бозор таянчи бўлган Гонконгнинг коммунизм байроғи остидаги улкан авторитар давлат — Хитойга қўшилиши дунёни қай томонга йўналтиради?»

Ғарб таҳлилчилари энди мазкур минтақадаги ривожланишнинг уч йўналишини таҳмин қилмоқдалар. Биринчи мулоҳаза: Хитой 6 миллион аҳолиси бўлган Гонконгни социалистик давлат қоидалари билан яшашга мажбур этади. Молиявий соҳада Гонконгнинг ўрнига Шанҳай чиқади. Иккинчи мулоҳаза: ўз молиявий-иқтисодий қудратига кўра Гонконг Хитойни ўз таъсирига олади. Учинчи мулоҳаза: Хитой ўз зиммасига олган Гонконгдаги мавжуд тартибларни 50 йилгача бузмаслик мажбуриятига риоя этади.

Салим АШУРОВ.

Россия пойтахтида ХХ Москва Халқаро кинофестивали ўз ишини давом эттирмоқда. «Пушкин» киноконцерт залида таниқли Россия киноактёри Олег Меньшиков бошқараётган нуфузли халқаро ҳайъат танлов қўйилаётган фильмларга баҳо бермоқда. Марказий киночилар уйида эса МДҲ ва Болтиқ бўйи мамлакатлари киночиларининг анжумани ўтказилмоқда. Дастурга юздан ошиқ иш киритилган.

* * *

Исландия ҳудудида «Ҳамкорликдаги қутқарув операцияси-97» дея номланган ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Машғулотларда Россиянинг 46 нафар ҳарбий тиббиётчи-

ОЛАМ КЎЗГУСИ

лари ҳамда профессионал қутқарувчилари вакиллари иштирок этмоқда.

* * *

Арманистон атом электростанцияси реактори профилактика ишларини олиб бориш ва ядро ёнилғисини янгилаш учун тўхтатилди. Реактор режа бўйича сентябрь охиригача ишламай туради. Реакторни ишдан тўхтатиш ва ёнилғини янгилаш каби барча ишлар МАГАТЭ экспертлари ва мутахассислари иштирокида олиб борилади.

* * *

Теҳронга ташриф буюрган МАГАТЭ делегацияси Эрон ядро объектлари билан танишишни давом эттиради. Делегация Ғарбий Озарбойжон маъмурий бўлинмасидаги «Бонаб» деб номланган ядро тадқиқот марказини, шунингдек, Мозандарандаги «Рамсар» номли худди шундай марказ иши билан танишади. Маълумотларга кўра, у ердаги ишлар Хитой мутахассислари кўмагида олиб борилмоқда.

БЕШ ИЛДИЗЛИ БИР ЧИНОР

Яқинда Қирғизистонда XXI аср маданиятининг миллий ва дунёвий жиҳатларини ўрганишга бағишланган «Иссиқкўл форуми» бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда ЮНЕСКО бош котиби Федерико Майор, Қирғизистон Халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов ва бошқа таниқли арбоблар иштирок этишди.

Қозоғистонда тиллар ҳақидаги қонун эълон қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ, қозоқ тилига Давлат тили мақоми берилди. Эндиликда қозоқ тилини ўрганиш барча қозоғистонликлар учун фуқаролик бурчи ҳисобланади.

Душанбеда олти миллионинчи Тожикистон фуқароси туғилди. Бу қувончли воқеа Абдулла Ҳалимов оиласида рўй берди. Шу муносабат билан пойтахт ҳокимлиги томонидан А. Ҳалимов оиласига янги квартира ҳадя қилинди.

Туркманистон пойтахтида мактаб ўқувчиларининг биология фани бўйича саккизинчи халқаро олимпиадаси бошланганди. Унда 30 дан ортиқ мамлакат, жумладан МДҲ давлатлари, Аргентина, Австралия, Бельгия, Болгария, Германия ва Финляндиядан келган ўқувчилар иштирок этишди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Фаластин полицияси Вифлеем шаҳрида портлатувчи моддалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган яширин устахонани топиб олди, деб хабар беради «Таймс» газетаси. Бу йирик устахонада фойдаланишга тайёр бўлиб турган портлатувчи моддалардан тортиб, Исроилда ишлаб чиқарилган қуроллар, ҳарбий кийим-бошлар, тротил шашкалари, химикатлар ҳам бор экан. Ҳарбийлаштирилган «Ҳамас» ислом гуруҳига қарашли бу устахона фош этилгани фаластинликларга ҳам, исроилликларга ҳам қўл келмоқда.

* * *

«Дэйли Телеграф» газетасининг ёзишича, таниқли тенор Лучано Паваротти нотани ўқишни билмас эмиш. Ситта ди Кастелло шаҳрида бўлиб ўтган Миллатлар фестивали давомида драма актёри Витторио Гассман Паваротти билан саҳнага чиқиб, машҳур санъаткор фақат ўзининг эшитиш қобилиятигагина ишониб, нотани ўқий олмаётганлигини сезиб қолди. Паваротти эса унинг мусиқа жиҳатидан саводсизлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, ҳайрон қолди. Шундан сўнг «Мен мусиқачи эмасман, шу боис нотанинг нозик сирларини билишим шарт эмас», деди.

* * *

«Крисчиан Сайенс Монитор» матбуот органи инглизларнинг севимли таоми — пицца тарихи ҳақида қизиқ маълумотлар келтиради. Ҳозир ушбу таом АҚШда гамбургердан кейин иккинчи ўринда туради. Ўтган йилнинг ўзида 4 миллиард дона пицца янги ҳолатда, бир миллиарддан зиёд пицца музлатилган ҳолатда сотилди. 1994 йилда 20 миллиард долларликдан зиёд пицца истеъмол қилинди. Қизиғи шундаки, асримизнинг эллигинчи йиллари ўрталарига келиб, ушбу таом ихтиро этилганди. Ўртаҳол америкалик оила йилига ўз уйида 30 марта пицца истеъмол қилар экан.

* * *

Буюк Британиянинг «Санди Таймс» газетаси руслар америкалик экспертларга энг сир сақланадиган объектларда ишлаш имкониятини беришяпти, деб ёзади. Бунда Арзамас-16 ва Обнинск ядро марказлари назарда тутилмоқда. Америкалик мутахассислар бу марказларда энг замонавий ҳимоя тизимларини ўрнатишмоқда. Ушбу дастурнинг умумий нархи 2 миллиард доллардан ошар экан. Барча маблағни эса Америка томони тўламоқда.

Аломат гаплар

ҒАЛАТИ ИСЁН

БРАЗИЛИЯ. Сан-Паулу шаҳар қамоқхонасида ғалати исён кўтарилди. Ҳали бунақасини кўз кўриб қулоқ эшитмаганди. Қўзғолончи махбуслар уч нафар қоровулни гаровга олишди. Сўнгра турма бошлиғига ўз шартларини айтишди.

Турма бошлиғи «қўзғолончи махбуслар» шартини ўйлаб боши қотди. 42 соат муддат бош қотиргач, Луиса Оливериа хоним уларга ён беришга мажбур бўлди. Гўзал хоним исёнчилар қаршисида алвон рангдаги бурма ёқали, қўш этакли кўйлагида — байрамона либосда пайдо бўлди... Уларнинг талаби шу эди-да...

Гаровга олинганлар шу заҳотиёқ ҳеч шикаст етказилмай ҳибсдан бўшатилди.

Аёл латофати одамларни не кўйларга солмайди, дейсиз.

КАЛТА ШИМ МУМКИН ЭМАС

ФЛОРИДА штати. Лэйкленддаги суд залида ғалати воқеа рўй берди. Автомобилни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқарган Жеремия Жонсоннинг ишини полиция судга оширди.

Суд залига калта шимда келган айбдорни «Бу аҳволда ишингизни кўрмаймиз» дея қайтаришди. Эртасига эса судьялар қаршисида турган Жеремияга бақрайиб қараб қолишди-ю, лекин эътироз билдиришолмади.

Айбдор қип-ялангоч эди. Лекин қонунда «қип-ялангоч келиш мумкин эмас» деб кўрсатилмаган эди-да.

Судья Майкл Рэйден эса барибир «шир ялангоч» ликни жазолаш йўлини топди. «Судга ҳурматсизлик қилгани учун» дея айбдорни 179 кун қамоқ жазосига ҳукм қилди.

ШОҲ АСАРЛАР МУХЛИСИ ЭКАН?!

Америка не-не ақл-бовар қилмас кашфлар макони.

Мана, бу кашф ҳам шулардан бири-да. Мадисон дорилфунунининг икки олими Виконсин штатида ғалати тажриба ўтказишди. Сигирлар қайси асарларни «тинглашади?»

Во, ажабо! Тажриба натижасига қаранг.

Мусиқа «эшитган» сигирлардан 5—10 фоиз кўп сут соғилган. Куйга сел бўлган сигирлар асаби, йўғ-э, танаси бўшашиб, кўп сут бераркан. Яна қандай асарни денг?

Бах асарларини. Мумтоз куйлар мухлиси эмиш.

Шовқин-суронли, жаз, роккенроулар сигирларга унчалар ёқмас эмиш. Ким билади яна, Америка сигирлари мусиқа «тинглаш»да замондан ортда қолганми?

РАНГГА ҲАМ ҚАРАШАРКАН

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз: ўйингиздаги ҳайвонлар қайси кўйлагингизни ёқтиради? Саволнинг ўзи бачканароқ туюлади, тўғрими? Лекин чет эллик олимлар шуни ҳам тажриба қилиб кўришган.

Айтишларича, айниқса, паррандалар уст-бошимизга жуда «разм» солишармиш. Масалан, ўрдак ва ғозлар сариқ рангни ёқтиришади. Қора ва қизғиш кийимдаги одамни кўрса безовталаниб «ға-ға» лашга тушишади.

Сигирлар-чи? Уларнинг дидига оқ ва тўқ кўк матолар мос. Шунданам сут соғувчилар оқ халат ва кўк пешбанд боғлаб олишаркан. Сариқ рангга сигирлар чўчиб, хушёр тортиб қараркан.

БУ САФСАТА ЭМАС

Хитой Меҳнат вазирлиги эълон қилган маълумотларга кўра, келгуси 20 йил ичида мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ҳозиргига нисбатан уч баробар ортар экан. XXI аср бошига келиб, мамлакатда меҳнатга лаёқатли одамлар сони 775 миллионга етади, 2016 йилда эса бу кўрсаткич 870 миллионни ташкил қилади. Айтиш керакки, Хитойда ишсизлар сони ҳозир 6 миллиондан ошиб кетган.

***

Кариес деб номланган тиш касаллиги учун энг яхши даво асосий кундалик таомимиз бўлган оддий нон экан. Ҳар ҳолда италиялик шифокорлар кўп йиллик изланишлардан сўнг шундай хулосага келди.

Уларнинг таъкидлашича, нон чайналганда ундан ҳосил бўлган сирка туфайли оғиз бўшлиғидаги бактериялар «заҳарланиб» ўлади ва тишни кариесдан ҳимояловчи қобиқ кучайиб бораверади.

***

Болтиқ денгизи соҳилларида ўтказилган «Балтик Челленж» номли халқаро ҳарбий машқлар ниҳоясига етди. Мазкур машқларда етти мамлакат — Латвия, Литва, Эстония, Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия ва АҚШдан келган 2700 нафар ҳарбий иштирок этди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, «Балтик Челленж» жорий йилда Европада бўлиб ўтган ҳарбий машқларнинг энг йириги бўлган. У Эстониядаги Палдиски шаҳрида НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилди.

***

Бугунги кунда Америка кашандалар сони бўйича дунёда энг олди ўринни эгаллайди. АҚШ касалликларни даъволаш ва назорат қилиш миллий марказининг маълум қилишича, бу мамлакатда сигарет тутуни 1990-94 йиллар давомида 2,1 миллион кишининг ёстиғини қуритган.

Энг ачинарлиси шуки, 1985-95 йиллар мобайнида 35 ва ундан катта ёшдаги америкаликларнинг тамакига эҳтиёжи ошса ошганки, камаймаган. Шифокорлар кашандалар сонининг кундан-кун ортиб бораётганига, асосан, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корпорациялар айбдор, дейишмоқда. Негаки, кейинги пайтларда бир қути сигаретнинг нархи ўртача 40 центга арзонлашган. Бу эса ўз-ўзидан кашандалар сонини яна ҳам кўпайтирган.

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 24-iyul, paishanba № 86 (22.170).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ёзув — миллат кўрки

ЯНГИ АЛИФБО ВА ИМЛО

1993 йил 2 сентябрда Қонун асосида қабул қилиниб, 1995 йил 6 майда қушимчалар киритилган лотин ҳарфлари асосидаги янги алифбода ўзбек адабий тилидаги 30 нутқ товуши ўз ифодасини топди. Бунда 27 нутқ товуши 26 ҳарф билан, 3 товуш эса ҳарфлар бирикмаси билан (бундан ch даги с ҳарфи мустасно) бериладиган бўлди; алифбодаги бир ҳарф jiyda, jiyron, jurnal каби сўзларда 2 хил нутқ товушини ифодалайди.

26 ҳарф бирикмасига аниқлик киритмоқчимиз. Алифбода 26 ҳарф бўлиб, шундан 24 таси мустақил белги, 2 таси яъни: о ва g ҳарфларига кучиш белгиси деб номланган ишора қуйилса, о ҳарфи ўзбекча сўзларда о‘ товушини, g эса g‘ ни билдиради.

Ҳарф ифодалайдиган товуш (b, v, d...) ва ҳарфнинг номи (be, ve, de...) тушунчаларини аниқ фарқ қилиш керак. Хат-савод ўргатишда, имло хатолари юзасидан иш олиб бориш каби ҳолларда товуш атамаси ишлатилади. Кейинроқ алифбо хусусида маълумот берилгандан сўнг ҳарфнинг номи атамаси ҳам ўз ўрнида ишлатила борилади, чунончи: қисқартма отлар сўзларнинг бош ҳарфларидан тузилиб, орасида унли товуш бўлмаса, ҳарфлар ўз номи билан айтилади: Халқ демократик партияси — ХДП (хедепе), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ (беэмте).

Ҳар бир ҳарфнинг ёзма ва босма кичик ва катта (бош) 4 хил шакли бор. У белгиларнинг учтасидан ўқиш ва ёзишда фойдаланилади. Ёзма бош ҳарфлар билан одатда хат ёзилмайди. Бундай Ҳарфлар матнда имло

1

қоидалари талаб қилган ўринлардагина қўлланилади.

Республикамизда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» қонун, айниқса, 1995 йил 6 майда мазкур қонунга қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг янги алифбо ва имлони ҳаётга жорий қилиш юзасидан қизғин иш бошланди.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 24 августда «Узбек тилининг асосий имло қоидалари»ни тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилди. Шу йили тилшунослардан Шавкат Раҳматуллаев ва Азим Ҳожиев тузган «Узбек тилининг имло луғати» 150000 нусхада нашр қилинди.

Эндиги вазифа янги алифбо ва имлони ўргатиш юзасидан бошланган ишни илмий ва методик асосларда пухта ўрганиш ва ўргатишни давом эттиришдан иборатдир.

Маълумки, товуш ўзаро таъсир, муҳит зарраларининг тебраниши тўлқини маҳсулидир. Инсон товушлари ҳам мазкур қонуният асосида пайдо бўлади. Аммо нутқ товушларининг бошқа товушлардан туб фарқи шундаки, сўздаги ҳар бир товуш унинг луғавий маъносини ўзгартиради, чунончи: tosh, tish, tesh, tush, to^sh.

Инсон нутқ товушлари нафас чиқаришда нутқ аъзоларининг маълум жойларида пайдо бўлади.

Бир мусиқашуноснинг ёзишича, инсон товушидаги нозикликларни ҳеч қандай мусиқий асбоб ифодалай олмайди. Машҳур санъаткорлар Аброр Ҳидоятовнинг Отелло монологларини, Маъмуржон Узоқовнинг ашулада авж пардасига кўтарилишларини, Ботир Зокировнинг хонишларини эсланг.

Ўзбек тили нутқ товушлари нутқ аъзоларининг қаерида қандай усулда пайдо бўлишини адабий тилнинг савтий меъёрларини, қолаверса, нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

«Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»да нутқ товушлари 6 гуруҳга бўлинган: лаб, тил олди, тил орқа, тил ўрта, чуқур тил орқа ва бўғиз товушлари:.

Қоидаларда лаб ундошларидан р ва f ҳарфлари тўғрисида қуйидаги таърифлар берилган.

р ҳарфи paxta, pichoq, ora, tepa, tup, yop каби сўзларда жарангсиз портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

f ҳарфи fan, fil, futbol, fizika, asfalt, juft, insof, isrof каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

Бу каби товуш ва ҳарф муносабатини ифодаловчи «график қоида»лар тилшунослик учун зарур. «Имло қоидалари»дан ана шу талаб қилинади. Аммо бу қоидалар нутқ товушларининг нутқ аъзоларининг қаерида ва қандай усулда пайдо бўлишини ифодаламаган. Бу масала таълим методикасининг иши бўлиб, дарслик ва методик қўлланмаларда баён қилиниши зарур.

2

Биз мазкур масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашиб, юқорида кўрсатилган 2 товуш ҳақида бундай таъриф бердик:

р товуши икки лабнинг орасида пайдо бўлади. Бу товушни айтишда юқори ва пастки лаб юмилиб, ҳавонинг кучи билан очилади ва портлагандай бўлиб р товуши чиқади: paypoq, pona, qop, loppi-loppi paxta.

Асримиз бошида ўзбекча нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўрни («махражи») масаласига машҳур маърифатпарвар педагог-муаллифлар, чунончи: Саидрасул Саидазизов, Мунавварқори Абдурашидхонов, Рустамбек ибн Юсуфбек ҳожи ўз алифбе китобларида алоҳида эътибор берган эдилар, масалан: Рустамбек домла бундай ёзган эди:

— Муаллим афандилар, ҳарфларни болаларга махраждан чиқариб ўргатмоқликни унутманг.

Афсуски, мазкур муҳим масалага бизнинг давримизда хат-савод ўргатиш масаласи билан шуғулланувчи айрим педагоглар эътибор бермаяптилар.

Биз методик меросни ижодий ўрганиб, ўзбек тилида нутқ товушлари ҳиқилдоқдан лабгача бўлган оралиқнинг 12 жойида пайдо бўлишини қуйидагича белгиладик.

1 жой. Ҳиқилдоқ билан оғиз бошлангунча бўлган оралиқ. Бу жойда товуш бойламларида унли товуш-ҳарфлар: a, i, e, o, u, o‘ пайдо бўлади.

Ҳиқилдоқнинг энг орқа ва ўрта қисмида чиқаётган ҳаво товуш бойламлари четидан оҳиста утишидан фанда ҳаш деб юритиладиган h товуши ҳосил бўлади.

Узбекча яхши, хом, хамир, ахтарди, хах каби сўзлар; арабча мухбир, охират, халил каби отлар араб имлосида нуқтали хе билан ёзилади. Бу товуш ўзбек алифбосида хе билан ифодаланади.

Араб тилида хе товушидан бошқа ҳойи ҳутти (hukm, hokim, Hamid) ва ҳойи ҳавваз (hadya, hay^at, jahl, Qahhor, Olloh) деб юритиладиган икки товуш ва ҳарф бор.

Бу товушлар аслида ўзбек тилида бўлмаган; араб тилидан ўтган сўзларда бор.

Узбек тили имлосида мазкур икки товуш бир ҳарф, яъни h билан ифодаланади.

2 жой. Ҳиқилдоқнинг олд томони. Бу жойда g‘, х товушлари пайдо бўлади: g‘alla, tog‘ xuiq, xursand, Halil, Xolishon.

3 жой. Тилнинг энг юқори томони балан юмшоқ танглай. Бу жойда q товуши пайдо бўлади: qalam, qor, yo‘q, q‘atq‘aloq.

4 жой. q товуши пайдо бўладиган жойнинг олдирогида k, g, ng товушлари пайдо бўлади: kel, ko‘klam, uka; gala, ega, guliston; tong, ming, miting, reyting, ring, dingilladi.

5 жой. Тилнинг ўртаси билан унинг қаршисидаги қаттиқ танглай. Бу жойда j (joy, garaj) sh, ch, y товушлари

3

пайдо бўлади: jiyda, gajak, tojik, jajji; sholi, shisha, chit, achchiq; yiqit, yakka, toyioq, umumiy.

6 жой. Тилнинг ўртасидан учигача танглайнинг олдинги икки томонидаги саккиз тишга қўшилган жой.

Бу жойдан тил ён товуши 1 чиқади: lola, tol, alla, l‘angar.

7 жой. Тилнинг учи билан олдинги икки устки тишнинг юқори қисми. Бу жойдан n товуши чиқади: non, un, norin, lngar.

8 жой. Тилнинг учи билан танглайнинг ўртаси. Бу жойда r товуши пайдо бўлади: randa, ari, tor, arra.

9 жой. Тилнинг учи билан олдинги икки устки тишнинг пасти. Бу жойдан d, t товушлари чиқади: dada, dori, don; tana, tonna.

10 жой. Тилнинг усти билан олдинги юқори икки тишнинг уст қисми. Тилнинг учи олдинги икки пастки тишнинг милки учига тегиб туради-да, z, s товушлари чиқади: zarra, zina, uzuk, izzat; siniq, sen, is‘hoq.

11 жой. Олдинги икки устки тиш билан пастки лабнинг ич тарафи. Бу жойдан ҳаво сирғалиб ўтиб, f товуши чиқади: fil, fan, film, daftar, talaffuz.

12-жой. Икки лабнинг ораси. Бу жойда b, p, m, v товушлари пайдо бўлади; b, p, m товушларини айтишда юқори ва пастки лаб юмилади, р товуши портлагандай чиқади: bino, bobo, bob; pana, qop, mosh, me‘da; v товушида эса лаблар ораси бироз очилади: va, vatan, darvoza, savol, avval.

Нутқ товушлари сўзнинг бошида келганда одатда юқорида кўрсатилганидек айтилади.

Тилнинг энг кичик бирлиги бўлган нутқ товушлари камдан кам ҳолларда алоҳида-алоҳида қўлланади, улар нутқ товушига нисбатан йирик тил бирлиги ҳисобланган сўзда ишлатилади. Сўз таркибида бир қатор ҳолларда ўзидан олдинги ёки кейинги товушларнинг таъсири билан ҳамма вақт ҳам пайдо бўлиш ўрнида айтилганидек талаффуз қилинмайди, чунончи:

— қисқа ёки чўзиқ айтилади: biz, siz, ilon, xizmat;

— сўз охиридаги айрим жарангли ундош товушлар жарангсизлашади: daromad (daromat), odamzod (odamzot).

— жарангли ундош товуш ўзидан кейинги жарангсиз ундошнинг таъсирида жарангсизлашади: badtar (battar), sudxor (sutxo‘r).

— пайдо бўлиш ўрни бир-бирига яқин бўлган товушлар алмаштириб айтилади: iqtisod (ixtisot), maqtov (maxtov) ва бошқалар.

Бундай фонетик ҳодисалар мактаб она тили курсининг фонетика, сўз ясалиши, морфология бўлимларида ўргатилади.

Ўқитувчилар ўзлари ишлаётган ҳудудда истиқомат қиладиган халқнинг шева хусусиятларини қунт билан ўрганиб, она тили дарсларида нутқ товушларининг пайдо бўлиш жойлари билан уларнинг шевасида айтилишини қиёслаб боришлари ўқувчиларнинг адабий тил меъёрларини пишиқ-пухта билиб олишларида катта аҳамият касб этади.

Саводхон бўлиш учун ҳар бир кимса камида ўрта мактаб ҳажмида она тили ўқув фанини пухта билиб, амалий қуникма ва малакалар ҳосил қилиши зарур бўлади.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

4

ДАСТЛАБКИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Олий табақа футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинлари якунланди. «Нефтчи» билан «Навбаҳор» ўртасидаги учрашувда дарвозалар дахлсиз қолганига қарамай, мароқли вазиятлар бўлди. «Бухоро» футболчилари эса «Насаф» жамоасини қабул қилиб, иккита жавобсиз тўп киритишди. МҲСК — «Дўстлик» учрашуви кечиктирилди. Бу ўйин 4 августда бўлади. Худди шу куни чемпионатнинг иккинчи давраси ўйинлари бошланади. Майдонга «Навбаҳор» ва «Нефтчи» жамоалари тушадилар. Ўйинлар жадвали эса қуйидагича манзара олган:

Футбол майдонларида

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
МҲСК	**16**	**16**	**0**	**0**	**53-15**	**48**
«Нефтчи»	**17**	**13**	**2**	**2**	**53-18**	**41**
«Дўстлик»	**16**	**11**	**4**	**1**	**33-15**	**37**
«Навбаҳор»	17	10	4	3	42-19	34
«Пахтакор»	17	9	5	3	28-13	32
«Бухоро»	17	8	1	8	24-26	25
«Сўғдиёна»	17	8	1	8	22-25	25
«Трактор»	17	6	5	6	23-23	23
«Афросиёб»	17	5	4	8	16-22	19
«Косонсой»	17	6	1	10	14-29	19
«Зарафшон»	17	5	3	9	25-31	18
«Насаф»	17	4	6	7	23-29	18
«Андижон»	17	5	2	10	25-37	17
«Атласчи»	17	5	2	10	17-31	17
«Хоразм»	**17**	**4**	**3**	**10**	**21-42**	**15**
«Чилонзор»	**17**	**4**	**2**	**11**	**16-26**	**14**
«Сурхон»	**17**	**3**	**5**	**9**	**14-36**	**14**
«Янгиер»	**17**	**3**	**4**	**10**	**21-34**	**13**

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида, халқаро футбол уюшмаси қароргоҳида Осиё қитъасида жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг дастлабки босқичида муваффақият қозонган жамоалар ўртасида қуръа ташланди. Қуръа натижасига кўра ўн жамоа икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга Саудия Арабистони, Қувайт, Эрон, Катар, Хитой, иккинчи гуруҳга Корея, Япония, Қозоғистон, БАА ва Узбекистон терма жамоалари кирди. Маълумки, Франция-га уч ёки тўрт йўлланма берилади. Гуруҳ ғолиблари тўғридан тўғри жаҳон чемпионати финалига борадилар. Иккинчи ўринни олган жамоалар ўртасида эса учинчи йўлланма учун кураш бўлади. Тўртинчи ўринда қолган жамоа Океания минтақаси ғолиби — Австралия футболчилари билан майдонга тушади. Ватанимиз футболчилари дастлабки учрашувни сафарда Япония майдонида утказиб, кейин Корея жамоасини қабул қилишади.

«ТЎЙЧИ ҲОФИЗ» ВА БОШҚАЛАР

Санъатсеварлар Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофоти соҳиби Лутфулла Абдуллаев таваллудининг 85 йиллиги билан қутламоқдалар. Моҳир рассом бадиий билим юртини битириб, яна шу даргоҳга қайтди ва ёшларга устозлик қилди. Унинг ранг-тасвир ва қалам тасвирга хос асарлари муҳлисларни ром этиб келмоқда. Хусусан, «Тўйчи ҳофиз», «Ойбек — Осиё ва Африка ёзувчилари орасида», «Шимолий Тошкент канали қурилишида», «Чўлни ўзлаштирувчилар» ҳамда «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» ва «Обид кетмон» романларига ишланган расмлар мўйқалам устасининг ижоди барҳаётлигидан нишонадир. Унинг асарлари асосида ҳужжатли фильм ҳам яратилди.

Феруза АБДУРАҲИМОВА.



Муҳабатдан яралган дунё
То абад сўнмагай
эзгулик тафти.

Чунки инсонийлик устунларини
Кўтариб турибди,
момолар кафти.

БЕБАҲО ХАЗИНА

Алишер Навоий номидаги Республика давлат кутубхонаси мамлакатимиздаги энг кўҳна маънавият масканидир.

У 127 ёшга кирди. Ҳар ойда 40-50 минг сумлик китоб сотиб олинади. Бу ерда жаҳон мамлакатларининг китоблари тақдимотининг ўтказилиши анъанага айланмоқда.

Яқинда Германия ва Швейцария мамлакатлари китоблари тақдимоти утказилди. Энди Корея элчихонаси билан ҳамкорликда шундай тадбир бўлади. Маънавият хазинасида 5 миллионга яқин китоб сақланмоқда.

Тоҳир ШОМУРОДОВ.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ТИЖОРАТ ДЎКОНЛАРИ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида мижозларингизни узлуксиз равишда музқаймоқ билан таъминлашни хоҳласангиз,

мурожаат қилинг. Улар сизга қаймоқли, шоколадли, сариёғли, мевали ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланган турли музқаймоқларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тўлов усули — пул ўтказиш йўли билан.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Телефонлар: 93-34-34, 91-30-17, 93-35-55.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Акбар ЛТД» масъулияти чекланган жамият **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги «Ал-Зуфар» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва механика-математика факультети жамоаси, шу факультет «Геометрия ва математика тарихи» кафедраси мудири, профессор А. Ортикбоевга онаси

Бибисора СОДИҚ қори қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва касаба уюшмаси қўмитаси инглиз филологияси факультети декани, доцент К. Р. Раҳмонбердиевга онаси

Умугулсун ТОЖИБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. ҚУРБОННИЁЗОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.50.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА